БАДИИЙ АСАРНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ

Шоирахон УМАРОВА
мустақил тадқиқотчи
Фарғона давлат университети
Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада бадиий асарнинг психолингвистик таҳлилига оид айрим хусусиятларнинг лисоний ва психологик омиллари, психологик зиддиятлар, шахснинг ички кечинмалари, руҳий изтироблари, ёки аксинча, бошқаларни руҳий изтиробга қўювчи шахсларнинг “қилмиш”ларини ҳаётдагидек ишонарли ва адекват ифодалашда ёзувчи маҳорати хусусида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: психологизм, психолингвистика, пейзаж ва персонаж руҳий ҳолати, портрет орқали руҳий ҳолатни очиб бериш, бевосита тасвир, билвосита тасвир.

ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ

Шоирахан УМАРОВА
независимый исследователь
Ферганский государственный университет
Фергана, Узбекистан

Аннотация

В данной статье рассматриваются лингвистические и психологические факторы, некоторые особенности психолингвистического анализа художественного произведения, а также мастерство писателя в достоверном и адекватном изображении психологических конфликтов, внутренних переживаний личности, его духовных страданий или, наоборот, «поступков» людей, приносящих другим духовные страдания.

Ключевые слова: психологизм, психолингвистика, пейзаж и духовное состояние персонажа, выявление душевного состояния через портрет, прямое отображение, косвенное отображение.

Одатда, тадқиқотчини бадиий асарнинг психолингвистик таҳлили учун ёзувчининг қайси эпизодларда персонажларнинг руҳий ҳолатларини ифодалашнинг қандай усулларидан фойдаланганлиги ва қай даражада эмоционал-экспрессив, перцептив самарадорликка эришганлиги ҳамда бунда ижодкорнинг ифода йўсинидаги ўзига хос услубий ёндашувлар қизиқтиради.

Файласуф олим И.А.Ильин инсон психологизмидаги зиддиятли вазиятларнинг туб илдизини шундай тавсифлайди: “Бизнинг ҳар биримиз доимий, кундалик, онгли ва онгсиз мулоқотга қарамасдан, ўз шахсий

ҳаётимизни яшаймиз, ўз дунёвий йўлимиздан туғилишдан то ўлимгача чуқур ва муқаррар ёлғизликда борамиз. Ҳар бир инсонга бирдек хос бўлган бу ёлғизлик, ҳар биримизнинг шахсий руҳий ҳаётимиз ўзига хос изоляцияда давом этишида намоён бўлади. Ҳеч ким ўз қалбига "ҳеч кимни кирита олмайди" ёки бошқасига"очиб беролмайди" ва ўзаро ишончсизлик ёки катта қайғу пайтида одамлар бундан жуда кўп азоб чекишади" [2; 43]. Демак, инсоннинг ўз руҳий ҳолатини ифодалаши, бошқаларга ошкор қилиши, яъни «юрагини бўшатиш» зарурати етакчи шахсий эҳтиёжлардан биридир. Ички руҳий зўриқишнинг кучайиши муҳим ҳаётий вазиятларда, зиддиятли ҳолатларда содир бўлади. Бундай вазиятлардаги номутаносиблик шароитида инсоннинг руҳий ҳолатини ифодалаш муаммоси бадиий тафаккурнинг ўзига хос мураккаб вазифаларидан биридир. Психологик зиддиятлар, шахснинг ички кечинмалари, руҳий изтироблари, ёки аксинча, бошқаларни руҳий изтиробга қўювчи шахсларнинг "қилмиш"ларини ҳаётдагидек ишонарли ва адекват ифодалаш масъулияти эса ёзувчидан катта маҳорат, синчковлик ва билимдонликни талаб этади.

Румин тилшуноси Т.Слама-Казаку, психолингвистиканинг предмети юзасидан берилган таърифларнинг батафсил таҳлилидан сўнг мазкур йўналишнинг моҳиятини "... мулоқот ҳолатининг хабарларга таъсири"ни ўрганиш деб ҳисоблайди [4; 122–126].

С.Осгуд эса ана шу мулоқот ҳолатидаги лисоний шахсларга урғу беради: "(психолингвистика)...кенг маънода хабарлар тузилиши ва инсон индивидуал хусусиятлари ўртасидаги муносабатлар билан шуғулланади. Бу хабарларни ишлаб чиқариш ва қабул қилиш, яъни мулоқотнинг индивидуал иштирокчиларида кодлаш ва декодлаш жараёнлари ҳақидаги фандир". Ана шу икки олим талқинидаги фикрларни яхлитлаштирсак, психолингвистика хабар узатувчи (адресант) ва қабул қилувчи (адресат) ўртасида содир бўладиган кодлаш ва декодлаш жараёнини муайян нутқий вазиятдаги ҳолатдан ва коммуникантларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, айни шу вазиятга муносабати нуқтаи назаридан тадқиқ қилади. Бадиий асарнинг

психолингвистик таҳлилида эса ахборот узатиш ва идрок этиш жараёни икки карра қаватланади, яъни тасвирланаётган воқеликка нисбатан ёзувчи талқини ва ўқувчи (тадқиқ қилувчи) талқини ҳам қўшилади. Шу тариқа, бадиий асарда персонажлар нутқида актуаллашган тил бирликларининг психолингвистик белгилари ҳам психологик, ҳам лисоний тамойиллар асосида ўрганилади. Бунда шахс темпераменти қирраларининг қай даражада ўз аксини топганлиги бадиий тафаккур маҳсули ўлароқ "ҳар бир ёзувчи кучли психолог бўлиши" [1; 98]ни талаб қилиши аён бўлади. Зеро, "Бадиий матнда ҳар қандай хабар санъат фактига айланади, бадиий матндаги олам эса ўзига хос тарзда акс этади: матнда воқелик сифатида намоён бўладиган нарса аслида ёзувчининг тасаввури, у яратган конструкциядир" [6].

И.С.Осипова дискурсив мулоқот орқали лисоний шахслар ўртасидаги психологик ҳолатни ифодаловчи усулларнинг икки гуруҳини кўрсатади: *оддий (бевосита) ва мураккаб (билвосита).* Тадқиқотчи субъектнинг тўғридан-тўғри бошқа одам билан оғзаки ёки ёзма ифодаларда гаплашиш истагини оддий усул сифатида тавсифайди: масалан, *"Тавба қилмоқчиман, азиз опа-сингилларим. Руҳим азобланяпти"* (А.П.Чехов, «Уч опа-сингиллар»). Субъектнинг ниятларига билвосита ишора қилувчи оғзаки ёки ёзма ифодаларни мураккаб усул сифатида кўрсатади. Бундай ифода ёрдамида субъект ўзининг "Мен"ини "бошқа"нинг кириши мумкин бўлган таъсиридан иҳоталайди ва ҳимоя қилади. Масалан, бундай усуллардан бири ўз бошидан кечираётганларини учинчи шахснинг руҳий ҳолати сифатида билвосита ифодалашидир. Бунда суҳбатдошга тўлиқ ишонмаслик, уят ёки қўрқув туфайли ифода шакли ўзгартирилади [5]. Худди шундай мезонларга кўра, бадиий нутқда психолингвистик нутқ актининг мураккаб усуллардан фойдаланиш мумкин.

Психолог олимлар К.М.Романов ва И.С.Осиповалар таъкидлаганидек, "Қаҳрамонларнинг ички олами ҳақида гапирганда, ёзувчи уларнинг образи, ўй-фикрлари, фантазияси, хотиралари, ҳиссий кечинмалари, қарорлари ва хатти-ҳаракатларини тасвирлаш орқали гавдалантиради. Айтиш жоизки, инсон руҳий ҳолатларини ифодалашнинг бадиий шакллари илмий

қоидалардан кўра бойроқ ва ишончлироқдир” [16]. Бунда олимлар илмий ёндашувда руҳий ҳолатни сезиларли даражада соддалаштириш ва оддий тақдим қилиш, уни дискретик қисмларга ажратиш динамик тасаввурнинг парчаланишини, руҳий ҳолатнинг бадиий тасвирида эса бундай камчиликлар бўлмаслигини назарда тутганлар.

Ёзувчилар психологик ҳолатнинг *фикрлаш, хотира, ҳис-туйғу, сезги* каби илмий категорияларидан фойдаланган ҳолда ҳар хил тасвир усуллари орқали унинг бадиий талқинини шакллантирадилар. Истеъдодли ёзувчи Шаҳодат Исахонова ўз тарихий романларида персонажларнинг руҳий кечинмаларини турли ракурсларда тасвирлар экан, инсон руҳий оламининг нозик қирраларини синчковлик билан психологик таҳлил қилади. Муайян руҳий вазиятга мос нутқий ифодаларни тўғри танлай билиши эса асарлари жозибадорлиги ва эмоционал-экспрессив таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Жумладан, бадиий тасвирда персонажнинг ўз руҳий ҳолатини ифодалаши масаласи замонавий психолингвистикада долзарб ва эндигина ўрганилаётган муаммолардан биридир.

(Абулқосим) Бобур Мирзонинг ҳошияси тилла ҳалли яшил барқут ёпинчиқ ёпилган қабри пойига чўкаркан, Гавҳаршодбегим кўз ёшларини тийиб туролмади, овозини борича бўзлади.

– Оҳ, менинг навқирон баҳодирларим! Оҳ, менинг суянч тоғларим, умид тутган чинорларим, дунёларга бергусиз паҳлавонларим! Бул дунёи дуннинг алдовларига учиб, қирчинида қийилган шаҳзодаларим! Мен сизларни Аллоҳдин йиғлаб-йиғлаб охир-оқибат мана шул бир ҳовуч совуқ туфроққа айланишингиз учун тилаб эрдимму? Қай биринғизнинг қисматингизга куяй, қай биринғизнинг номингизни айтиб йиғлай?! Нечун Эгам менга бул тақдирни раво кўрмиш? Нечун қувонтириб берган авлодлари мени тепкилаб-тепкилаб кўмиш ўрнига, қариб-қартайган, қадди дол момосига аларнинг қабри устинда кўз ёши тўкиб, фарёд уришни раво кўраётир?! Мен не гуноҳ қилдим, гуноҳим не эрди, Аллоҳим?! (Ш.Исахонова, “Гавҳаршодбегим”)

Шоҳруҳ Мирзо ёнида бир умр давлат ва салтанат ривожи, шаҳзодалар тарбияси учун жон куйдирган, қатор авлодларини йўқотиш азобларини бошидан кечирган, ҳар бири учун куйиб, ҳар бири учун ўртанган, лекин ирода кучи мустаҳкамлиги сабаб ўзини, ўзлигини йўқотмаган Гавҳаршодбегимнинг жигаргўша набираси қабрини қучиб йиғлаши табиий ҳол ва бу вазиятдаги ўз-ўзига ҳамда марҳум яқинларига қарата айтган сўзларини ўқиган китобхон кўз олдида дарди дунёси тўлиб-тошган муштипар она қиёфаси гавдаланади, унинг руҳий изтиробларини ҳис қилади.

“Нодираи даврон” романидаги қуйидаги эпизодда эса Нодирабегимнинг ўз-ўзига мурожаати орқали изтиробли ҳолати ёрқин тасвирланган:

Нодира бегимнинг аламзада нигоҳи Умархоннинг совуқ ва бепарво кўзлари билан тўқнашгач, кўксини ўт бўлиб куйдираётган алам бўғзида қотди. “Йўқ, йиғлама, Моҳим... Йўқ, сўзлама, Моҳим... Билдирма, Моҳим... Демак, анинг ўзи бул қаро кунни сенга раво кўраётир... Йўқса, ул канизакни ҳузурингга чорламас эрди! Ани сенга кўз-кўз қилмас эрди!". Қадрини ерга ургиси келмай, ўзига-ўзи таскин, ўзига-ўзи далда берди Нодира бегим (Ш.Исахонова, “Нодираи даврон”).

Нодирабегимнинг *йиғлаши, кечинмалари,* ўз-ўзига таскин беришга ундаган *ирода кучи* каби психологик унсурларнинг уйғун тасвири ёзувчининг ўзига хос ифода йўсини шаклланганлигини кўрсатади.

Бошқа бир ўринда эса Хонойим ва ўғли Олимхон диалогида ўзаро муносабатларнинг психодинамик тафсилоти сингдирилганлигини кўрамиз:

Аъёнлар кетгач, ўғли билан ёлғиз қолган Хонойим кўнглига келган гапни очик айтди.

– Олампаноҳ ўғлим, йиғинингизга Гулойим бегим аммангизни ҳам чорлатсангиз яхши бўлур эрди,-деди насиҳат оҳангида.

– Шул аммамиз менга ёқмайдур, волидам, Олимхон ёқимсиз бир сўз эшитгандай, ижирғаниб, қалин қошларини уюди, – Исмлари Гулойим бўлсада ичлари тиканга тўла аёл. Хонзода инимизни менга қайрагани-қайраган.

– “Гумон иймондин айирадур” деган гап бор, олампанох! - қайинсинглисининг майда гаплиги Хонойимнинг ўзига ҳам ёқмаса-да, оға-инилар ўртасидаги иноқликка раҳна солмаслик учун Олимхонга аммаси ҳакида хеч қачон ёмон гапирмасди, ўғли норозиланиб, гап бошласа ҳам дарров оғзига урарди. – Бирор бир асосга эга бўлмасдин туриб, гумонга борманг. Ҳукмдорларни тўғри йўлдан оздирадурғон энг хавфли восита ҳам шубҳа, гумондур! Яхшиму, ёмонму, инингизнинг тарбиячиси, қиблагоҳингиздин колган ёдгордур Гулойим бегим!

Бадиий асар композициясида *пейзаж, портрет, интерьер* каби воситалар ҳам асар қаҳрамонларининг маънавий-руҳий оламини ифодалашда, рамзий-мажозий талқинларда муҳим аҳамиятга эга.

Пейзаж (фр. paysage – жой, юрт) – адабий асарда яратилувчи бадиий воқеликнинг муҳим компоненти, воқеалар кечувчи очиқ макон (ёпиқ макон - *интерьер)* тасвири. Асарда пейзаж бажарувчи бирламчи функция воқеалар кечаётган жой ва вақт ҳақида тасаввур беришдир. Бироқ, пейзажнинг асардаги функциялари бу билан чекланмайди, у полифункционаллик хусусиятига эга. Жумладан, пейзаж каҳрамон руҳиятини очиш воситаси сифатида кенг қўлланилади. Бунда жой тасвири (ундаги “ранг”лар) персонаж руҳияти билан уйғунлик касб этиши ҳам, унга контрастли фон бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин; қаҳрамон руҳиятидан ўтказиб берилган пейзаж эса унинг айни дамдаги ҳолатини тасвирлаш воситаси [3; 221].

Қалъа дарвозасидан чиқаётганларида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғалати ҳодиса юз берди: чарақлаб турган қуёш юзини булут қоплаб, кўм-кўк мусаффо осмон бирдан қоп-қора тусга кирди ва тўсатдан эсган шамол дарахтлар шохини синдириб, паймонаси тўлган тилларанг япроқларни дам оёқлари остига, дам бошлари узра сочганича, қуюнга айланиб, еру осмонни танг қила бошлади (Ш.Исахонова, “Чингизхон тузоғига тушган малика”).

Мазкур пейзаж тасвиридаги булут, шамол, қуюн, осмоннинг қоп-қора тусга кириши каби деталлар орқали, нафақат, Туркон Хотун ва унинг

ёнидагилар, балки, бутун салтанат, мамлакат бошига келаётган чуқур ижтимоий-психологик таназзул, қора кунларга ишора қилинади.

Портрет (фр. portraire – тасвирламоқ) – 1) персонажнинг сўз воситасида тасвирланган ташқи кўриниши (қиёфаси, жуссаси, кийими, юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари), ўқувчи тасаввурида жонланадиган тўлақонли инсон образини яратиш ва унинг характерини очиш воситаларидан бири. Портрет эпик асарнинг композицион унсури бўлмиш *тавсифнинг* бир кўринишидир [3; 226]. Кўринадики, инсон руҳий ҳолатини очиб беришда портрет узвлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги Туркон Хотун портрети тасвирида ҳам унинг руҳиятида кечаётган тушкун кайфият, улкан мағлубият ҳисси очиқ кўриниши кузатилади:

Унинг адл қомати икки кун ичида бирдан букчайиб, қадди букилди. Буғдойранг, тиниқ чеҳраси худди оғир дардга чалинган одамникай чуйкаб, униқди, доимо мағрур ва хотиржам боқиб турувчи кўзларидаги ўт хира тортди. Билинар-билинмас ажин тушган бодом қовоқлари уюлиб, атрофидаги ҳамма одамларга: мулозимлардан тортиб канизларгача, келинларидан тортиб набираларигача, ҳамма-ҳаммага аллақандай шубҳа, гумон ва ҳадик аралаш қарай бошлади (Ш.Исахонова, “Чингизхон тузоғига тушган малика”).

Шаҳодат Исахонованинг тарихий романлари мисолида маълум бир даврга хос воқеалар силсиласида инсонларнинг ички олами, руҳий дунёси туғёнлари, ўй-кечинмалари, воқелик кечаётган ижтимоий муҳитда турли тоифадаги, турли қатламдаги ранг-баранг персонажларнинг характер-хусусиятларини тасвирлаш тенденцияси яққол кўзга ташланади. Нафақат тарихий шахслар, балки улар атрофидаги турли табақа вакилларининг ҳаёт тарзи, ўй-кечинмалари, ўзаро муносабатлари, бир воқеа замирида бир неча маслакдош ёки қарама-қарши кучларнинг психологик ҳолатлари акс эттирилади ва мана шу жараёнда марказий образларнинг характер-хусусиятлари очиб берилади.

“Чингизхон тузоғига тушган малика” асарида:

1) Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ – Чингизхон – Туркон Хотун; 2) Туркон Хотун – Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ – Жалолиддин – Ўзлоқшоҳ; 3) Ойчечак – Бека Султон;

“Бибихоним” романида:

1) Амир Темур – Халил Султон – Бибихоним – Шодмулк; 2) Мироншоҳ Мирзо – Амир Темур – Хонзодабегим;

“Нодираи даврон” романида:

1) Амир Олимхон – Хонойим – Амир Умархон; 2) Амир Умархон – Нодирабегим – Хонпошшахон; 3) Нодирабегим – Амир Насрулло; 4) Нодирабегим – Хонпошшахон – Муҳаммадалихон;

“Гавҳаршодбегим”да:

1) Гавҳаршодбегим – Жўкий Мирзо; 2) Гавҳаршодбегим – Мирзо Улуғбек – Абдуллатиф Мирзо; 3) Гавҳаршодбегим – Абусаид Мирзо каби зиддиятлар, тўқнашувлар фонида шахс ва шахс, шахс ва жамият, шахс ва салтанат каби кучли руҳий- психологик, ижтимоий-психологик жараёнлар китобхон диққатини тортиши билан бирга, инсон омилининг теран таҳлили, жамият ҳаётида ва тарихий жараёнларда шахсларнинг ўрни ва аҳамияти каби масалаларнинг бадиий талқини ўз ифодасини топган.

Антропоцентрик тилшунослик мезон ва тамойиллари асосида ана шундай мураккаб жараёнларнинг психолингвистик табиатини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, инсон руҳияти, маълум бир психофизиологик ҳолатлар ёки темпераментларга хос вербал ва новербал белгиларни аниқлаш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Андреев А.Н. Лекции по теории литературы: Учеб. пособие для студентов вузов. – Минск, 2012. – 234 с.
2. Ильин И. А. Аксиомы религиозного опыта. – Москва: ТТО «РАРОГЪ», 1993. – 156 с.
3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 256.

4. Нурхамитов М.Р. Экспрессивность художественного текста как лингвистическая категория //NovaInfo.Ru, 2017. – № 69. – 122 с.

5. Осипова И.С. Способы выражения психического состояния // Известия РГПУ им. А. И. Герцена, Санкт-Петербург, 2007. – 166 с.

6. Специфические признаки художественного текста // https://studme.org/211092/literatura

7. https://studwood.net/574165/psihologiya/psiholingvisticheskie_osobennosti

8. Исахонова Ш. Нодира даврон ёхуд амирнинг тавқи лаънат тўни. – Тошкент: Маърифат битиклари, 2021. – 358 б.

9. Насирова Г.М. Психолингвистик тадқиқотлар аҳамиятининг долзарблиги // Research Focus, Uzbekistan // www.ReFocus.uz

10. Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – 250 б.

11. Психолингвистика: Учебник для вузов / Под ред.Т.Н.Ушаковой. – Москва: ПЕР СЭ, 2006. – 224 с.

12. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 210 б.

13. Хайруллаев М.М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. – Тошкент: Фан, 1963. – 130 б.

14. Хайруллаев М.М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 204 б.

15. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 250 б.

16. Романов К.М., Осипова И.С. Основные речевые способы выражения психического состояния // https://cyberleninka.ru